Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 176 (8166). ● 15 сентябрь, 1983 йил. ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● ҲОЗИР ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ. ЙИЛ БУЙИ ҚИЛИНГАН МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ — «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН КУРАШ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА.

● ФУРСАТ ҒАНИМАТ. КУЗ ОБИ ҲАВОСИГА ИШОНИБ БУЛМАЙДИ. ҚУЛ ТЕРИМИНИ ТОБОРА КУЧАЙТИРИНГ. «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШСИН. АГРЕГАТЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК.

● ҲАР БИР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗДА ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН, ПУХТА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК. ҲОСИЛНИ БАРВАҚТ ЙИҒИБ ОЛИБ, ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ЧАҚҚОНЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ

● БУКА. Янги мавсум ҳосили йиғим-терими бошлангандан буён Тожиҳол Қурбонованинг исми кўпчиликнинг тилидан тушмайдиган бўлиб қолди. Бу кўпмингкилограммчи чевар теримчи кунига 200—220 килограммдан пахта тераётир. Шу кунгача хирмонга тўккан пахтаси бир ярим тоннадан ошди. Бу «Партия XIX съезди» колхозидаги теримчилар ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

Т. Қурбонова билан мусобақалашишга астойдил бел боғлаган Рисбуви Қўшоқова, Адолат Сатторовалар ҳам ҳар куни колхоз хирмонига 180—200 килограммдан «оқ олтин» териб тўкишаётир

### САРАСИ СИЗНИКИ

● ЧИНОЗ. Хужаликларда қўл терими кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. Райондаги барча ташкилот ва муассасаларнинг коллективлари ҳам пахтакорларга ёрдамга отланишди. Шу боисдан барча дала шийпонлари йиғим-терим иштирокчиларига маданий-маиший, медицина ва савдо хизмати кўрсатишнинг марказга айланмоқда. Жумладан, 6 та автолавка қатъий график асосида пахтазорларга чиқиб, дала меҳнаткашларига кундалик турмуш ва рўзғорда зарур бўладиган сара молларни ўз вақтида етказиб бераётир. Энгельс номли, «Москва», «Октябрь 40 йиллиги», Киров номли ва Навоий номли колхозларнинг аъзолари автолавкалар хизматидан ғоят мамнун бўлмоқдалар.

Яратиб берилаётган қулай шароитларга жавобан пахтакорлар йиғим-терим суръатини янада кучайтиряптилар. Масалан, «Қизил Октябрь» колхозининг Ҳабиба Жўраева бошлиқ бригадаси пахтазорларида кунига 30 теримчи актив меҳнат қилаяпти. Уларнинг кучи билан ўтган куни жами 2700 килограмм «оқ олтин» терилди. Шу кунгача тайёрланган пахта эса 22 тоннадан ошиб кетди. Бу йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 10 процентни ташкил этади.

### КАНОПЗОРДАН ПАХТАЗОРГА

● УРТА ЧИРЧИҚ. «Коммунизм» колхози лубкорлари давлатга каноп топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Кечаги кунгача мавжуд 175 гектар канопзорнинг ҳар гектаридан 180 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. 3100 тоннага яқин хом ашёнинг деярли ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Ислом Аҳмедов, Кўчкинбой Арабовлар раҳбарлик қилаётган илғор бригадаларда ҳосилдорлик 200—205 центнерни ташкил этди.

Каноп ўрими ниҳоясига етказилиб, эндиликда қолган хом ашёни қисқа муддатда давлатга топшириш учун кураш бораётир. Колхоз лубкорлари ҳосилдорликни 200 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда. Бир ёқда пахта йиғим-терими ҳам жадаллашиб борояпти.

«Партия XXII съезди» колхози аъзолари машина теримини бошлаш арафасида турибдилар. Карталарнинг четларидаги ҳосил териб олинаётир. Ўқариқлар текисланиб, терим агрегатлари қайтадиган ерлар ҳам тайёрланмоқда

### ХОШИМ ОТАНИНГ ҒАЙРАТИ

● ЯНГИЙУЛ. Утган куни районда меҳнат ветеранларининг пахта йиғим-теримида иштирок этишига бағишланган слёти бўлиб ўтди. Нуроний кексалар ишга яроқли ҳар бир кишини деҳқонларнинг бу йилги ғоят оғир шароитларда машаққатли меҳнат билан етиштирган пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олишда актив иштирок этишга даъват этдилар.

Слётда минбарга чиққан Хошим ота Норматов ўз тенгқурларига мурожаат қилар экан, мавсумда камида бир тонна «оқ олтин» териб беришга қатъий бел боғлаганлигини маълум қилди.

Меҳнат ветеранларининг ватанпарварлик ташаббуси ва даъвати барча район меҳнаткашларининг куч-ғайратини ошириб, терим суръатининг жадаллашишига далда бўлди.

Ленин номли колхоз пахтакорлари кунлик суръатда ҳамон пешқадамлик қилмоқдалар. Хўжаликнинг 3-, 5-, 8-бригадаларида кунига йиллик планнинг 2—2,5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Мавсумда 12 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган Матлуба Абдуллаева ва Масъуда Нишонбоевалар пахтани тез ва тоза теришда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишяпти. Уларнинг ҳар бири шу кунгача хўжалик хирмонига икки тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкдилар.





● Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтазорларида бу йил 26 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилади. Улар бугун-эрта далаларга олиб чиқилади. Суратларда: (чапда) комсомол-ёшлар звеноси бошлиғи Ислом Эшматов 250 тонна пахта териш мажбуриятини олган; (чапдан ўнгга) звено бошлиқларидан С. Аббосов, Н. Ёқубов, механик Д. Зиёев, техника хавфсизлиги бўйича инженер С. Йўлдошевлар терим агрегатларини яна бир бор кўздан кечиришмоқда.

В. Портнов фотолари.

## АДДИС-АБЕБАДА В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

АДДИС-АБЕБА, 14 сентябрь. (ТАСС мухбири). Эфиопия пойтахтининг марказида, жаҳон пролетариати йўлбошчиси номи берилган майдонда В. И. Ленинга Африка қитъасида биринчи ҳайкал ўрнатилди. В. И. Ленинга ҳайкал — ўз революциясининг 9 йиллигини нишонлаётган социалистик Эфиопия меҳнаткашларига совет халқининг туҳфасидир.

Шу воқеа шарафига ўтказилган тантанали маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашди.

Монументни муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш ва Эфиопия меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариам очди. Эфиопия давлатининг бошлиғи ва Совет делегациясининг раҳбари Эфиопия меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш комиссияси ва КПСС номидан В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Аддис-Абеба шаҳри бошлиғи Зауди Теклю тантанали маросимда сўзга чиқиб, Ленин таълимоти чинакам озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган миллион-миллион кишиларга харакат учун қўлланма бўлиб хизмат қилади, деди.

В. И. Ленинга Африка қитъасида биринчи хайкал ўрнатилганлиги, деб таъкидлади у, Эфиопия халқлар оммасининг социализм қурилиши ишига садоқатидан далолат беради, Совет Иттифоқи билан социалистик Эфиопия қардош халқлари ўртасидаги, КПСС билан Эфиопия меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш комиссияси ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг мужассам далилидир.

Шундан кейин майдонда Владимир Ильичнинг овози янградн. Унинг «Совет ҳокимияти нима?» деган мавзуда ёзиб олинган нутқини минг-минглаб митинг иштирокчилари зўр эътибор билан тингладилар.

А. КРИЛОВИЧ,
Ю. ПИЧУГИН.

## КОСМОСДА ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 13 сентябрь, (ТАСС). Космонавтлар Владимир Ляхов ва Александр Александров «Салют-7» орбитал илмий станцияси ичида икки ярим ойдан бери ишлаяптилар.

Ўтган кунлардаги учиш программаси геофизик экспериментларни, станция ёнилғиси камоматини тўлдиришни, медико-биологик тадқиқотларни ўз ичига олганди.

Халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларининг топшириқларига биноан экипаж қуруқликдаги қизиқтирган районларни ҳамда дунё океани акваториясини, метеорологик ҳодисаларни, атмосферадаги чанг ва тутунларни фотосуратга олиб борди, асбоблар воситасида ҳамда визуал кузатди.

Космонавтлар «Прогресс—17» кемаси билан олиб бориш мўлжалланган ишларни тугатиб бўлдилар, ишлатилиб бўлган асбоб-ускуналарни бўшаган юк бўлмасига жойлаштирдилар.

Ўтган ҳафта кунларидан бири экипажни комплекс равишда медицина текширувидан ўтказишга ажратилди. Тинч турган юракнинг биоэлектрик активлиги ҳамда маълум миқдордаги жисмоний нагрузкада қон айланиши татқиқ этилди. Космонавтлар тана массасини ҳам ўлчадилар, айрим мушак группаларининг ҳолатига баҳо бердилар.

Бугунги кун тартибида ҳаёт таъминот воситаларини инвентарлаш, ер табиий ресурсларини тадқиқ этиш программасига мувофиқ визуал кузатишлар олиб бориш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш кўзда тутилган.

«Салют-7» — «Союз Т-9», «Прогресс-17» орбитал илмий тадқиқот комплексининг учиши давом этмоқда. Владимир Ляхов ва Александр Александровнинг соғлиги дуруст ва улар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

## ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ АВТОЗАВОД КОЛЛЕКТИВИ БИЛАН УЧРАШУВ

Москвадаги Ленин комсомоли номли автомобиль заводи — мамлакатнинг етакчи корхоналаридан биридир. Бу ерда автомобилсозлик соҳасидаги илғор ютуқлар асосида кичик литражли ватан автомобилларининг янги моделини ва унинг модификацияларини ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этишга қарор қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Тихонов 13 сентябрь куни автозавод коллективи билан учрашди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин иштирок этди.

Илғор корхона билан, унинг тарихи ва замонавий маҳсулоти билан танишув автозавод музейидан бошланди. «Москвич-2141» автомобили янги моделининг намунавий нусхаси алоҳида эътиборни жалб қилди. Бу машина классн жиҳатидан «Волга» ва «Жигули» автомобиллари ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллайди.

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси корхонада ишлаб чиқариш технологияси билан танишди, бир қанча цехларда бўлди. У ишчилар, инженерлар билан қилган суҳбатларида уларнинг меҳнати, турмуши ва дам олиши қандай ташкил этилганлиги билан қизиқди. Социалистик мусобақани янада такомиллаштириш, меҳнатнинг бригада методини ривожлантириш, барча участкаларда, ҳамма бўғинларда интизомни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Автомобиль саноати министри В. Н. Поляков билан «Москвич» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Коломников изоҳ бериб турдилар.

Завод бошқармасининг мажлислар залида корхона партия-хўжалик активи билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни завод партия комитетининг секретари В. Ф. Бабакин очди.

В. П. Коломников Ленин комсомоли номли автозавод коллективининг бугунги куни тўғрисида, бу коллектив партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорларини ғайрат-шижоат билан амалга ошираётганлиги ҳақида, заводни кенгайтириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди. У завод беш йиллик дастлабки икки йили топшириқларини барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан бажарганлигини қайд этиб ўтди. Шу йилнинг саккиз ойлик плани ҳам бажарилди.

Аммо, кейинги йилларда модернизациялаш амалга оширилганлигига қарамай, деди бош директор, бизнинг автомобилимиз асосий параметрлари ва динамикаси, ёнилғи сарфлаши ва қулайлиги жиҳатидан замонавий талабларга тўлиқ даражада мос келмай қолди.

Корхона раҳбари завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари реконструкциялаш ва янги автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасидаги мураккаб вазифаларни партия ташкилоти раҳбарлигида муваффақиятли равишда ҳал этадилар, деб кўп минг кишилик коллектив номидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига ва Совет ҳукуматига ваъда берди.

Учрашувда социалистик меҳнат қаҳрамони, фрезерчи, В. П. Карпов, комплекс бригада бошлиғи В. К. Голубчиков, план-экономика бошқармасининг бошлиғи Н. Г. Вохрина, цех бошлиғи Е. А. Осиков сўзга чиқдилар. Улар халқ бахт-саодати тўғрисида, ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилаётганлари учун партия билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар, КПСС ва Совет давлатининг ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида баён этилган янги тинчлик ташаббусларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

Сўзга чиққан кишилар кейинги вақтларда корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган куч-ғайратлар завод марказининг шарафи учун олиб борилаётган кураш коллективда жуда қўллаб-қувватланаётганлигини қайд этиб ўтдилар. Резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, юксак меҳнат маданияти ва маҳсулотнинг аъло сифати, ишнинг бригада методини кенг жорий этиш соҳасидаги янги қимматли ташаббуслар заводда вужудга келди ва кенг кўламда қўллаб-қувватланади. Нотиқлар автомобиль заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз заводини машинасозликнинг намунали корхонасига айлантиришга азму қарор берганликларини таъкидладилар.

Шундан кейин Н. А. Тихонов ҳозир бўлган кишиларга мурожаат этиб нутқ сўзлади. Биз, ўртоқ В. В. Гришин билан бирга, деди у, заводингизнинг иши билан, уни янада ривожлантириш истиқболлари билан ғоятда қизиқиб танишдик.

«Москвич» маркали автомобиллар жуда машҳурдир. Бир вақтлар ана шу автомобиллар мамлакатимизда ниҳоятда манзур бўлиб чет мамлакатларнинг бозорларида харидоргир бўлиб қолган эди.

Аммо вақт тез ўтиб бормоқда. Истеъмолчининг талаблари тез ўсмоқда. Бинобарин, бу ерда бош директор айтганидек, бирлашма коллективи янги автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида мураккаб вазифаларни ҳал этиши лозим.

1982 йилда партия Марказий Комитети билан Ҳукумат автомобиль саноати министрлигининг заводингизда янги моделдаги автомобиль ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиққан эди. Бундай автомобиль шундай классдаги автомобилларнинг замонавий даражасига мос бўлиб тушади ва у синовлардан муваффақиятли ўтди. Лекин гап янги машинани ишлаб чиқаришни ташкил этишда эмас. Гап, уни тайёрлаш учун қандай технология қўлланилишидадир.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида Юрий Владимирович Андропов эндиликда ягона илмий техника сиёсати ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, деб таъкидлади. Бугунги куннинг ҳам, шунингдек эртанги куннинг ҳам машиналарини, механизмлари ва технологияларини яратиш соҳасида биз ғоят катта ишлар қилишимиз керак.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компьютерлар ва роботларнинг янада кенгроқ қўлланилишини, янги маҳсулот тайёрлашга тез ва самарали қайта қуриш имконини берувчи эпчил технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш лозим бўлади.

Заводингизга келганда шуни айтиш кераки, Ленин комсомоли номли автомобиль заводида эпчил технологиядан фойдаланиб, енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи намунали корхонани ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини ана шу катта ва мураккаб вазифани амалга ошириш йўлидаги биринчи қадам деб ҳисоблаш мумкин. Шу вазифаларни амалга ошириш сизларнинг заводингизни халқ хўжалигига илғор тажрибани жорий этиш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни доимо такомиллаштириш ва янгилаш имконини берувчи саноат роботларини ва бошқа технология воситаларини, қайта созланувчи автомат линияларни қўлланган ҳолда эпчил технологиядан фойдаланиш борасида база машинасозлик корхонасига айлантириш имконини беради.

«Москвич» бирлашмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳасида автомобилсозлик соҳасидаги энг янги ютуқлар ҳисобга олиниши лозим. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг корхоналари билан ишлаб чиқариш соҳасида кооперациялаш кўзда тутилмоқда.

Бу қарор Ленин комсомоли номли автозавод коллективига бўлган катта ишончдан далолат беради ва шу билан бирга сизларнинг зиммангизга қўйилган вазифанинг бажарилиши учун жиддий масъулият юклайди. Автомобиль заводининг кўп минг кишилик коллективи бу вазифаларни муваффақиятли уддалашига биз шубҳа қилмаймиз.

Бунда ҳали кўп нарса барча ишлаб чиқариш бўғинларида тартиб ўрнатилишига, меҳнат интизоми, шу жумладан ўз-ўзидан равшанки технология интизомига ҳам қатъий риоя этилишга боғлиқ бўлади. Бу ишда ҳали сизларда ҳамма нарса ҳам жойида деб бўлмайди.

Шу йил январь ойида Юрий Владимирович Андропов Москва станоксозлари билан учрашувда Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь Пленумида интизом тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилганлигининг зарурлигини тушунтириб, бу масаланинг олдинги ўринга қўйилганлиги ҳаёт тақозоси эканлигини таъкидлади. Етарли даражада меҳнат интизоми план, технология, давлат интизоми бўлмаса биз тез олға бора олмаймиз.

Янги моделдаги автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, деб таъкидлади Н. А. Тихонов, барча учун — ишчи ва инженер-техник ходимдан бошлаб корхона раҳбаригача технологик ва ишлаб чиқариш интизомининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишини талаб этади.

Ишлаб чиқаришнинг анча юксакроқ сифатини таъминлаш зарур. Бу ҳақда гапириш унча ёқимли бўлмасада, лекин, афсуски, ҳозирги вақтда сизлар ишлаб чиқараётган автомобилларнинг сифати хусусида ҳали кўпгина эътирозлар бор.

Биз ана шу камчиликлар қатъиян бартараф этилиши ва албатта улар янги моделдаги автомобильни ишлаб чиқариш даврида юз бермаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Ленин комсомоли номли автомобиль заводида янги моделдаги автомобилни ўзлаштириш кўпдан-кўп министрликлар олдига, шу жумладан қора ва рангли металлургия, станоксозлик, электр техника, приборсозлик, химия, нефть химияси саноати, бинокорлик материаллари саноати ва бошқа саноат тармоқлари олдига ҳам каттакатта вазифалар қўяди. Мана шу министрликларнинг раҳбарлари, тегишли корхоналарнинг меҳнат коллективлари янги автомобилни 1986 йилда ишлаб чиқара бошлаш тўғрисида партия ва ҳукумат қарорининг бажарилишини таъминлаш учун барча зарур ишларни қилишлари шарт. Шу муносабат билан олимлар олдида ҳам муҳим вазифалар турибди.

Н. А. Тихонов Ватан саноатининг имкониятлари тўғрисида гапириб шуни таъкидладики, бизнинг индустриямиз ғоят катта ресурсларга эгадир, муддатидан илгари фойдаланишга топширилган Уренгой — Помари — Ужгород газопроводи эса бунинг далилидир. АҚШ маъмурияти бизга тўсқинлик қилишга уриниб кўрганлигига қарамай, бу газопровод ишга туширилди.

Биз кейинги вақтларда ниҳоятда муҳим аҳамият бераётган бир масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Мен халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, уларнинг хилини кўпайтириш ва сифатини оширишни назарда тутмоқдаман. Бу вазифа енгил саноат ва маҳаллий саноат корхоналаринингина эмас, шу билан бирга бошқа барча саноат тармоқларининг ҳам вазифасидир. Сизларнинг заводингизда асосий маҳсулот — енгил автомобиллар ишлаб чиқариш билан бирга анчагина катта ҳажмда бошқа халқ истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Корхона раҳбарлари, шунингдек партия ва жамоат ташкилотлари шундай моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш тўғрисида ўйлашлари, шунингдек бундай молларнинг хилини ошириш ва мунтазам суратда янгилаб туриш, сифатини яхшилаш устида қайғуришлари керак.

Ҳозир меҳнаткашларга меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида СССР қонуни бериб қўйган имкониятларни ҳисобга олиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат, моддий, энергетика ресурсларини максимал даражада тежашга мана шу барча кўрсаткичлар юзасидан Сизнинг бирлашмангиз етакчи мавқени эгаллайдиган бўлиб қолишига эътиборни жалб қилиш зарур.

Пировардида СССР Министрлар Советининг Раиси завод партия ташкилоти, бутун коллектив янги моделдаги автомобиль ишлаб чиқарабошлаш муддатини яқинлаштирмоқ учун имкони бўлган ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдирди. Биз коллективингизга ҳар томонлама ёрдам бериш тўғрисида ғамхўрлик қиламиз, деди у.

Н. А. Тихонов Ленин комсомоли номли автозавод меҳнаткашларига шахсий бахт-саодат ва меҳнатда муваффақиятлар тилаб, коллектив олдида турган вазифалар шараф билан бажарилади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

## ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Венгрия Халқ армияси бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи —ВХР мудофаа министрининг ўринбосари генерал-лейтенант Ф. Карпати бошчилигидаги Венгрия сиёсий ходимлари делегациясини 13 сентябрда қабул қилди. Самимий, дўстона суҳбат вақтида ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

